

Коррупциянинг олдини олиш: амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва келгусидаги устувор вазифалар

Коррупция ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этувчи жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу иллатга қарши курашиш учун турли давлат ва жамият ташкилотлари томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақолада коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар таҳлил қилинади.

Коррупция – жамиятнинг тараққиётига жиддий тўсиқ бўлган мураккаб ва хавфли иллат бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизимларни заифлаштиради. У давлат бошқарувининг шаффофлигига раҳна солади, демократик жараёнларга таъсир кўрсатади ва қонун устуворлигига путур етказди. Коррупция натижасида жамиятда адолат тамойиллари бузилади, инсон ҳуқуқлари поймол этилади ва аҳолининг давлат институтларига бўлган ишончи пасаяди.

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан коррупция бозорда соғлом рақобатга ҳалал беради, тадбиркорлик муҳитини бузади ва сармоя киритиш имкониятларини чеклайди. Бу эса иқтисодий ўсишнинг секинлашишига ва аҳоли фаровонлигининг пасайишига олиб келади. Давлат бюджетининг мақсадсиз сарфланиши эса муҳим ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга тўскинлик қилади.

Коррупция уюшган жиноятчилик ва терроризм каби хавфли ҳодисаларнинг кенгайиши учун замин яратади. Жиноят гуруҳлари ва ноқонуний тузилмалар коррупциядан фойдаланиб, ўз манфаатларини ҳимоя қилади, бу эса жамиятда хавфсизликнинг йўқолишига ва тартибсизликнинг кучайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси¹да коррупцияга қарши ислохотларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш билан бир қаторда, аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар коррупцияга қарши курашда иштирок этмагунча, бутун жамиятимиз, мажозий маънода айтганда, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмагунча, биз ўз мақсадларимизга эриша олмаймиз², деб таъкидлаб ўтган.

¹Электрон манба. URL:<http://uza.uz/oz/politics/> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М. Мирзиёевнинг 24.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси)

² Электрон манба. URL:<https://president.uz/uz/lists/view/3324>

Шу боисдан, коррупцияга қарши кураш ҳар бир жамият ва давлатнинг устувор вазифаси бўлиши лозим. Бу борада кучли ҳуқуқий база яратиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва очиқликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Фақатгина тизимли ёндашув ва ҳар бир фуқаронинг фаол иштироки орқали коррупция иллатига барҳам бериш мумкин.

Коррупция ҳар доим мавжуд иллат бўлган, лекин XX асрга келиб мазкур иллат давлатларнинг “шахсий муаммоси” мақомидан “ҳалқаро муаммога” айланди ва жаҳон ҳамжамиятининг консолидациялашган позициясини талаб қила бошлади. XX асрнинг иккинчи ярмида Корпорацияларнинг чет элдаги юқори мансабдор шахсларни пора билан боғлаши оммавий тус олди. Глобализация натижасида бирор давлатдаги коррупция бошқа кўплаб мамлакатларнинг тараққиётига салбий таъсир кўрсата бошлади.

1995 йил 31 декабрда «Financial Times» газетаси 1995 йилни «коррупция йили» деб эълон қилди. Коррупция ҳақида маълумот тарқатиш ва жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида БМТ 9 декабрни Халқаро коррупцияга қарши кураш куни сифатида белгилади³.

Буни аниқ исботи БМТ нинг коррупцияга қарши кураш конвенциянинг муқаддимасида – коррупция эндиликда локал муаммодан бутун жамият ва барча мамлакатлар иқтисодиётига дахл қиладиган ва бу билан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг жуда муҳим аҳамиятини белгилайдиган трансмиллий ҳодисага айланганлигини кўришимиз мумкин⁴ деб мустахкамланди.

Хусусан, БМТ ҳомийлигида қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш резолюцияси (1995 й.), Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 й.), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши курашиш декларацияси (1997 й.), Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (2000 й.), Коррупцияга қарши конвенция (2003 й.)⁵ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мазкур йўналишдаги ислохотларни амалга ошириш давомида миллий қонунларга халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини имплементация қилиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, 2008 йилда қабул қилинган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди⁶, 2010

³ Мальгин В.А. Коррупция в системе взаимодействия властных структур и предпринимательства//Вестник экономики, права и социологии, 2014, № 4

⁴ БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси. <https://lex.uz/docs/1461329>

⁵ Электрон манба. URL:https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

⁶ Электрон манба. URL:<https://lex.uz/uz/docs/1369505>

йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракат режасига қўшилди⁷.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича шу кунгача амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси⁸ билан 2017 йилда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг⁹ Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш чоратадбирларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратиб беради.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонундан келиб чиқиб, ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан бевосита коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга йўналтирилган Давлат дастурлари тасдиқланган ва тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, уларга:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарори билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури¹⁰;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури¹¹;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури¹² тасдиқланган. Шу каби, Президентнинг фармонлари билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегия”лари ҳамда 2022 йилдаги фармони билан “Тараққиёт стратегияси”¹³ да ҳам коррупцияга қарши курашиш масалалари ва муаммолари

⁷ Электрон манба. URL:<http://www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplancountryreports.htm>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини киритиш ҳақида қонунчилик ташаббуси. <https://president.uz/uz/lists/view/85>

⁹ Электрон манба. URL:<https://lex.uz/ru/docs/3105125?ONDATE=06.02.2017%2000>

¹⁰ Электрон манба. URL:<https://strategy.uz/index.php?news=1397&lang=uz2>

¹¹ Электрон манба. URL:<https://lex.uz/docs/4355387>

¹² Электрон манба. URL:<https://lex.uz/docs/5495529>

¹³ Электрон манба. URL:<https://lex.uz/pdf/3107036>

алоҳида йўналиши сифатида белгиланиб, тегишли дастурларда қоидалар келтирилган¹⁴.

Коррупцияга қарши кураш стратегияси – бу давлат ва жамият томонидан ушбу давлат томонидан қабул қилинган конституциявий тузум асослари доирасида коррупцияга олиб келадиган ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳаларида коррупцияни озиклантирадиган сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш ёки минималлаштириш учун ҳар томонлама ва тизимли чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва доимий равишда амалга оширишдан иборат. Коррупцияга қарши миллий стратегия тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) коррупцияни давлат хавфсизлигига тизимли таҳдид солувчи хавф деб тан олиш. Мазкур иллатга қарши курашиш элементлари аввалдан ҳам миллий қонунчилигимизнинг айрим ҳужжатларида акс этган бўлсада, коррупцияни мамлакатимиз тараққиёти учун асосий хавфлардан бири эканлиги тан олинмаган ва унга қарши курашиш асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий фаолияти деб қаралган. Мамлакатимизда коррупцияни давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи хавф деб тан олиш амалиёти албатта мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони¹⁶ билан мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги қайд этилган. Фармон билан коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланди. Шу каби, Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигига коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этиш вазифаси юклатилди.

2) коррупцияга қарши курашишнинг тизимлилиги. “Олдини олиш» ва «профилактика» тушунчаларининг маъноси бир бирига жуда яқин. Шу билан бирга коррупцияга қарши курашиш миллий стратегиясида коррупцияга қарши кураш масаласининг ажратиб олиниши уни фақат Жиноят кодекси ҳамда алоҳида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки хавфсизлик органларининг ҳаракатлари ҳажми билан чегараланиб қолмайди. Миллий стратегия

¹⁴ Х.Турсунбеков.Коррупцияга қарши курашда ҳудудий чора-тадбирларни амалга ошириш муаммолари (тошкент вилояти мисолида)// Магистрлик диссертация иши//Тошкент – 2022

коррупция барча ҳолатларининг таъсирини камайтириш (минималлаштириш) ёки йўқ қилишни таклиф қилади. Коррупцияга қарши миллий стратегия давлатнинг коррупцияга қарши курашишга қаратилган узоқ муддатли ва ҳар томонлама характерга чора-тадбирлар тизимини таклиф қилади

3) коррупцияга қарши сиёсатнинг узоқ муддатли характерга эга эканлигини инобатга олиб, коррупцияга қарши асосий чора-тадбирларнинг узлуксизлиги таъминланганлиги. Дарҳақиқат айрим коррупцияга қарши вазифа ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун узоқ муддат талаб этилади. Масалан, жамиятда коррупциявий хулққа нисбатан тоқатсизлик муносабатини шакллантириш бир ой ёки бир йил оралиғида эришиб бўлмайди ва фуқароларнинг бир неча авлоди билан тегишли тадбирларни олиб боришни тақозо этади.

4) коррупцияга қарши қоидаларнинг қонун, миллий стратегия, давлат дастурлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳаттоки маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳужжатлари билан билан мувофиқлаштириб олинганлиги. Бу масала мамлакатда коррупция даражасини камайтиришга қаратилган қоидаларнинг давомийлигини таъминлашга хизмат қилиб, аксинча қоидаларда қарама-қаршилиқни олдини олишга ва ҳуқуқ тизимининг бутунлиги таъминлашга хизмат қилади.

«E-anticor.uz» электрон платформасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни **аниқлаш ва онлайн мониторинг** қилиш имконини берувчи электрон модул ишга туширилди. 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда БМТ Тараққиёт дастурининг Сеул сиёсат маркази ҳамда Корея Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг техник ва маслаҳат кўмағида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, 2024 йилда Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқдир. Мазкур йилда Коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш соҳасида **8 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Хусусан:

– Ўзбекистон Республикасининг **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”**ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун билан шунингдек, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди;

– Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритилиб, қонун билан спорт соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича 2024 йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформасини ишга тушириш белгиланди;

– Вазирлар Маҳкамасининг “2024 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, фуқаролик, оила, ахборот ва ахборотлаштириш, таълим, фан ва маданият тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режалари тасдиқланди;

– Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди;

– «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформасида ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди;

– Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг намунавий шакллари тасдиқланди.¹⁵

Мамлакатимизда коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб:

1. **Қонунчиликни такомиллаштириш** – Коррупцияга қарши курашишга оид қонунлар қабул қилиниб, улар амалиётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун такомиллаштирилиб, давлат хизматчилари учун этика кодекси ишлаб чиқилди.

¹⁵ Электрон манба. URL:<https://www.aca.uz/uz/article/2024-iilda-amalga-osirilgan-islarnatiza-va-krsatkiclar>

2. **Ахборот очиклигини таъминлаш** – Давлат органларининг фаолиятида шаффофликни ошириш мақсадида давлат харидлари, бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат хизматларининг кўрсатилишига оид маълумотлар ошкора эълон қилинмоқда.

3. **Жамоатчилик назоратини кучайтириш** – Фуқаролик жамияти институтлари, журналистлар ва блогерлар коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этишлари учун шарт-шароит яратилди.

4. **Таълим ва маърифий тадбирлар** – Мактаблар, олий таълим муассасалари ва давлат ташкилотларида коррупцияга қарши маърифий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тренинглар ўтказилмоқда.

5. **Жазо муқаррарлигини таъминлаш** – Коррупцияга оид жиноятларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилиб, айбдор шахсларнинг жазоланиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар натижасида куйидаги муваффақиятларга эришилди:

1. **Коррупция даражасининг пасайиши** – Охириги йилларда турли халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, коррупция даражаси маълум миқдорда камайгани қайд этилмоқда.

2. **Очиқлик ва шаффофликни ошириш** – Электрон ҳукумат тизимининг ривожланиши ва давлат хизматларининг рақамлаштирилиши туфайли мансабдор шахсларнинг коррупциявий схемаларда иштирок этиши қисқарди.

3. **Жамиятнинг фаол иштироки** – Фуқароларнинг коррупцияга қарши курашда фаол иштироки ошди, жамоатчилик назорати механизмлари кучайтирилди.

4. **Ташкилотларнинг масъулияти ошди** – Давлат ва хусусий ташкилотларда ички назорат тизимлари жорий этилди, мансабдор шахслар масъулияти кучайтирилди.

5. **Жазо чораларининг кучайтирилиши** – Коррупцион жиноятлар бўйича жиноий ишларнинг сони ва жазоланган мансабдор шахслар сони ортиб бормоқда, бу эса қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар давом эттирилиши ва янада такомиллаштирилиши зарур. Шу боис қуйидаги устувор вазифалар белгилаб олинган:

1. **Қонунчиликни янада такомиллаштириш** – Коррупцияга оид қонунларни халқаро стандартларга мослаштириш, коррупцияга оид жиноятлар учун жазони янада қатъийлаштириш.

2. **Давлат хизматларининг рақамлаштирилишини кучайтириш** – Электрон ҳукумат тизимини янада кенгайтириш, давлат хизматларини автоматлаштириш ва инсон омилини камайтириш орқали коррупция хавфини пасайтириш.

3. **Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш** – Коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий омилларни бартараф этиш, хусусий секторда шаффофликни таъминлаш.

4. **Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш** – Аҳолининг барча қатламлари учун ҳуқуқий маърифат ишларини янада кучайтириш, коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш.

5. **Таълим ва кадрлар тайёрлашни ривожлантириш** – Давлат хизматчилари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун коррупцияга қарши кураш бўйича махсус курслар жорий қилиш.

6. **Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш** – Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши кураш узлуксиз ва давомий жараён бўлиб, унинг олдини олиш учун тизимли ва комплекс чоралар кўриш талаб этилади. Ҳозиргача амалга оширилган ишлар натижасида ижобий ўзгаришлар кузатилаётган бўлса-да, коррупцияга қарши курашиш борасидаги ислохотларни давом эттириш зарур. Давлат, фуқаролик жамияти ва тадбиркорлик субъектларининг биргаликдаги ҳаракатлари коррупцияни камайтириш ва унинг салбий таъсирларини чеклашга хизмат қилади. Фақатгина жамоатчилик ҳамда давлат органларининг ҳамкорлиги орқали коррупциясиз жамият барпо этишга эришиш мумкин.

**Судьялар олий мактаби
“Илмий тадқиқотларни
мувофиқлаштириш бўлими”
бош мутахассислари,
ю.ф.ф.д. О.Шамсиддинова,
ю.ф.ф.д. К.Миршаева
Таянч докторант З.Олимова**